



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRINING BUYRUG'I

314 -son

20 21 -yil "30" oktyabr

Toshkent shahri

Вазирлик тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом ҳамда ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон, “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармонлари ижросини сифатли таъминлаш, вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш ҳамда олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлик Марказий аппарати бош бошқармалари, бошқармалар ва мустақил бўлим, хизмат бошлиқлари, ҳудудий бошқармалар ҳамда таркибий тузилмалар бошлиқларига:

уч кун муддатда барча шахсий таркиб ўртасида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низомнинг ўрганиб чиқилиши ва конспектлаштирилиши ташкил этилсин;

вазирлик тизимида юзага келган ва юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва бошқариш масалаларида ушбу Низом талабларига барча раҳбарлар, ҳарбий хизматчи ва хизматчилар томонидан сўзсиз риоя қилиниши таъминлансин.

3. Вазирнинг кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник К.Абдижалилов, Кадрлар бошқармаси бошлиғи

полковник С.Югай, худудий бошқармалар ҳамда таркибий тузилмалар бошлиқлари:

доимий равишда вазирлик тизимида ишга (ҳарбий хизматга) қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома талабларига қатъий амал қилинсин;

вазирлик Кадрлар бошқармаси, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар Кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўлими ходимлари томонидан Йўриқнома талабларининг ўрганиб чиқиши ва консектлаштирилиши ташкил этилсин;

10 кун муддатда ушбу буйруқ ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирлик коррупцияга қарши курашиш комиссиясига тўлиқ ахборот тақдим этилсин.

3. Ишлар бошқармаси (полковник Ф.Азизов):

уч кун муддатда мазкур буйруқнинг электрон матни худудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларга ҳимояланган “Е-хат” тизими орқали юборилсин ҳамда “Гермес” ахборот тизимига жойлаштирилсин;

ушбу буйруқнинг мазмун ва моҳияти барча шахсий таркибга етказилсин.

4. Мазкур буйруқ талабларининг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир в.б.
генерал-лейтенант**



Т.Худайбергенов

**Ротация лавозимга тайинлаишда ёки йиллик декларацияни тўлдириш
вақтида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги, мавжуд эмаслиги
тўғрисидаги аризанинг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

| | |
|---|---|
| Ф.И.Ш (тўлик) | |
| Номзод даъвогарлик қилаётган таркибий бўлинма номи | |
| Номзод даъвогарлик қилаётган лавозим | |
| Тўлдирилган сана | |
| <p>Ушбу аризада қуйидаги атамалар қўлланилади:</p> <p>яқин қариндошлар – бир-бирига қариндошлик ёки яқин алоқаси бор шахслар, яъни ота-она, туғишган ҳамда тутинган ака-укалар ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар (жумладан асраб олинган фарзандлар), бувалар, бувилар, набиралар, шунингдек эр (хотин)нинг ота-онаси, туғишган ва тутинган ака-укалари ва опа-сингиллари.</p> <p>алоқадор шахслар – вазирлик ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;</p> <p>манфаатлар тўқнашуви – вазирлик ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;</p> <p>ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкый, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);</p> | |
| 1 | Агар сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар вазирликда ишлаётган бўлса, уларнинг лавозимини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг (<i>агар улар ишламаса, “йўқ” деб ёзинг</i>). |
| 2 | Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этса (якка тартибдаги тадбиркорлар бўлса), сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми? (<i>агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок</i> |

| | |
|---|---|
| | <i>этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).</i> |
| 3 | Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар нодавлат нотижорат ташкилотларини бошқаришда қатнашса, сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми? <i>(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).</i> |
| 4 | Сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар давлат идораларида ва ташкилотларида ишлайдими? Агар жавоб “ҳа” бўлса қайси ташкилотлигини, лавозимини кўрсатинг. |
| 5 | Сизга вазирлик ходимлари томонидан вазирликнинг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид ички ҳужжатларини бузиш ёки эҳтимолий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар маълумми? <i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида бу ҳақида батафсил ёзинг)</i> |
| 6 | Лозим деб топсангиз қўшимча маълумотларни кўрсатинг. |

Ушбу аризани имзолаб, қуйидагиларни тасдиқлайман:

- Менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар мавжуд/мавжуд эмас (тегишли жавобнинг тагини чизинг).
- Мен ушбу аризада акс этган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига ҳамда мен ушбу маълумотларни тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан текширилишига розилик билдираман.
- вазирликда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом талабларига биноан, мен тўлдирган ҳар қандай аризани ҳаққонийлигига таъсир қиладиган **янги ҳолатлар тўғрисида** вазирликка дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

(Ф.И.Ш)

(имзо)

(сана)